

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**КАФЕДРА: “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи
органлар”**

МУСТАҚИЛ ИШ

***МАНЗАУ:* Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини
мувофиқлаштириш тушунчаси, мазмуни ва аҳамияти**

Текширди: ўқт. Н.И.Хайриев

**Топширди: 3-ҳуқуқ факультети 4 курс А
поток 3- гуруҳ талабаси
С.Аброров**

Тошкент – 2011

МАВЗУ: Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш тушунчаси, мазмуни ва аҳамияти

КИРИШ.

1. Жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича прокуратура органлари фаолиятининг шаклланиш тарихи

2. Жиноятчиликка қарши курашувчи идораларнинг қонунларни ижро этишларини назорат қилиш ва уларнинг қонунларни қўллашга доир фаолиятини мувофиқлаштириш

3. Жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш тушунчаси ва унинг аҳамияти

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

К И Р И Ш.

Собиқ СССРнинг парчаланиши ва унинг ҳудудида янги мустақил суверен давлатларнинг ташкил топиши эндиликда яқин, ўрта ва узоқ хориж давлатлари доирасида халқаро жиноятчилик, айниқса, наркобизнес, одамлар савдоси, ғайриқонуний валюта операциялари, маданий ва маънавий бойликларни ўғирлаш, халқаро терроризм, диний ақидапарастлик ва ҳоказоларга қарши курашда ҳамкорлик қилишга нисбатан бошқача ёндашувни тақозо этмоқда. Айни вақтда, коррупция, уюшган, шу жумладан профессионал жиноятчиликка қарши кураш масалалари ҳам тобора кенг жамоатчилик ва олимларни ўйлантирмоқда¹.

Юқоридаги ҳолатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бугунги кунда жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини танқидий жиҳатдан кўриб чиқишни ҳамда жиноятчиликка қарши кураш борасидаги усул ва воситаларни доимий такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги потенциалини оширишнинг асосий усулларида бири уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, “тезкор-қидирув фаолияти, тергов ва суриштирувни амалга оширадиган органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш” прокуратура органларнинг асосий фаолият йўналишларидан бири ҳисобланади.

Жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш ҳамда бу жараёнда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашда

¹ Абдурсулова Қ.Р. Жамият ривожининг ҳозирги босқичида криминология фанининг вазифалари// Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янгича асосларда шакллантириш: ютуқлар ва муаммолар мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари, : Т.-2007. - ТДЮИ. - Б.44.

прокуратура органларининг мувофиқлаштириш функцияси муҳим ўрин тутди. Мазкур ҳолатлар прокуратура органларининг тезкор-қидирув фаолияти, тергов ва суриштирувни амалга оширадиган органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича фаолият йўналишини илмий таҳлил қилиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

1. Жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича прокуратура органлари фаолиятининг шаклланиш тарихи

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур фаолият йўналишининг аҳамияти шундаки, ўтиш давридаги мавжуд ўзига хос криминоген шароитларда жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб боришнинг асосий омилларидан бири жиноятчиликка қарши кураш олиб боровчи махсус ваколатли органларнинг келишилган ҳолда фаолият юритиши ҳисобланади.

Жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича прокуратура органлари фаолиятининг шаклланиш тарихини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мазкур фаолият йўналиши бўйича олиб борилган ишлар натижаси қонунийликни мустаҳкамлашга, жамиятнинг хавфсизлигини таъминлашга ва аҳолини жиноий хуружлардан ҳимоя қилишга ўзининг катта ҳиссасини қўшган.

Тарихдан маълумки, жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилиги ва турига қараб, тегишли давлат органларининг ҳар бири алоҳида, бир-бирига бўйсунмасдан, ўзига юклатилган вазифалар доирасидан келиб чиққан ҳолда, идоравий усул ва воситалар орқали жиноятчиликка қарши кураш олиб борган.

Жиноятчиликка қарши кураш борасида марказлашган давлатлар томонидан олиб борилган ягона сиёсат ўз навбатида жиноятчиликка қарши кураш олиб боровчи давлат органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини талаб қилган. Жиноятчиликка қарши кураш борасида кучларни бирлаштириш, келишилган ҳолда фаолият юритишнинг энг самарали усули сифатида муайян давлат органи томонидан барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришга эҳтиёж туғилган.

Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг ташкил топиши тарихини таҳлил қиладиган бўлсак, “прокурор” атамаси илк бор 1867 йилда қабул қилинган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги вақтинчалик Низомда назарда тутилган. Лекин бу даврда прокуратура махсус орган сифатида ҳали ташкил этилмаган эди. Прокурорлик вазифасини низомга кўра харбий губернаторлар бажаришган.

1887 йил адлия вазирининг бўйруғига кўра Россия адлия вазирига маъмурий тартибда бўйсунувчи Сирдарё, Янги-Марғилон, Самарқанд, Верненск вилоят судлари қошида прокуратуралар ташкил этилди. Россия подшосининг Туркистондаги прокуратураси маъмурий-ҳудудий тамойилга кўра ташкил этилган эди. Округ суди қошидаги прокурор суд палатасидаги прокурорга бўйсунар эди, у эса ўз ўрнида - бевосита адлия вазирига бўйсунар ва унинг олдида ҳисобдор эди. Барча прокурорлар император томонидан лавозимига тайинланар ва лавозимидан озод қилинар эдилар².

Туркистондаги прокуратура Россия императорлиги прокуратурасининг асосий қисмини ташкил этиб, унинг қонунларини тадбиқ қилиб ва қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширар эди.

Юқоридагилардан маълумки, юртимизда прокуратуранинг жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш функциясининг шаклланиши Россия империясида прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари шаклланиши билан боғлиқликка эга.

Россия прокуратурасининг ташкил этилиши Россиядаги Пётр I томонидан амалга оширилган давлат ислохотлари билан боғлиқ эди. Ҳукумат Сенатини ташкил этилиши муносабати билан, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш мақсадида махсус органни ташкил этиш зарурияти

² Махбубов М. Ўзбекистонда прокуратура органларини ташкил этилиши ва ривожланиши. ю.ф. д. илмий унвонини олиш учун ёзилган дисс.-Т.1993..Б.17

пайдо бўлди. Дастлаб бу институт фискаллар шаклида тузилди, кейинчалик эса прокурорларга айланди.

Бош прокурор лавозимини киритилиши 1722 йилда Пётр I томонидан амалга оширилди. Бош прокурорга Сенат фаолиятидаги конунчилик, кейинчалик эса барча давлат органлари томонидан конунчиликка риоя қилиниши устидан назорат қилиш вазифаси юклатилган. Қонун бузилиши ҳолати аниқланадиган бўлса, Бош прокурор ушбу қонунбузилиш ҳолатини бартараф этишни аввал таклиф этиши, унга бўйсунилмаган ҳолатларда эса “протест келтириши ва бу ишни тўхтатиши” лозим эди. Бора-бора прокурорлар давлат хизмати ичида муҳим ўрин эгаллай бошладилар. Прокурорлар корпуси пайдо бўла бошлади. Прокурорларни генерал-губернаторларнинг тавсиясига кўра Сенат сайлар эди. Улар марказий ва маҳаллий муассасалар фаолиятлари устидан назоратни олиб борар ва аниқланган камчиликлар ҳақида генерал-губернаторга ҳисоб берар эдилар. Қонун бузилиш ҳолатини аниқлаган прокурор дастлаб, оғзаки равишда ушбу қонунбузилиш ҳолатини бартараф этишни таклиф этар, ушбу таклиф бажарилмаса, унда ушбу қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш учун ваколатли органга ундан сўнгра эса тааллуқли ҳайъатга ёки Сенатга ёзма равишда протест киритар эди.

1802 йилда Россия империясида Адлия Вазирлигининг ташкил этилиши билан адлия вазири бир вақтнинг ўзида генерал прокурор лавозимини ҳам эгаллай бошлади, губерния прокуратуралари эса адлия вазирлигининг жойлардаги органига айлана бошлади.

1864 йили прокуратура “судлар ҳузуридаги жойлар”да назорат қилиш ваколатини қўлга киритди. 1864 йил 20 ноябрдан суд ўрнатувлари таъсисига кўра судларда прокурор назоратини обер-прокурорлар, прокурорлар ва генерал-прокурор бўлмиш адлия вазирининг олий назорати остидаги уларнинг ўринбосарлари олиб бора бошладилар. Ана шу вақтдан бошлаб қуйидан юқорига бўйсунувчи, марказлашган прокуратура ташкилотининг ҳуқуқий асослари ривожлана бошлади.

Прокуратура шундай шаклда 1917 йилгача мавжуд бўлди. Совет ҳукуматининг “Судлар тўғрисида”ги декрети билан прокуратура тугатилди. Унинг фаолияти тўрт йилдан кўпроқ вақт қайта тикланмади.

Шуни қайд қилиш лозимки, прокуратура ташкил этилганидан Россия империясидаги суд ислохотлари бўлгунча (1722-1864 й.й) ва суд ислохотларидан кейинги даврда (1864-1917 й.й) прокуратура органлари жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича аниқ тегишли ҳуқуқий асослар бўйича вазифаларни амалга оширмаганлар. Аммо мазкур даврларда прокуратура ўзининг махсус назорат қилувчи орган сифатидаги ваколатлари ва мақомидан келиб чиққан ҳолда, полиция, суд ва махсус хизматлар билан биргаликда империя қонунларининг бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида ўзаро келишилган ҳолда фаолият олиб борган. Бу эса, ўз навбатида прокуратуранинг кейинги ривожланиш босқичида мувофиқлаштириш фаолиятининг ҳуқуқий асослари шаклланишига ижобий таъсир кўрсатган. Россия империяси даврида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус қонун ҳужжатларининг йўқлигига қарамай, прокуратура мазкур даврда жиноий судлов органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ўзаро келишувни таъминлаш борасида тегишли вазифаларни амалга оширган³. Жумладан, суд ислохотлари ўтказилгунга қадар, прокурорлар дастлабки терговни амалга оширувчи органларга терговнинг сифати ва қонунийликни таъминлаш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар тақдим қилганлар.

Суд ислохотларидан кейинги даврда ҳам судлар ҳузурида қайта ташкил қилинган прокуратура органлари дастлабки тергов ва суд органларининг жиноятчиликка, айниқса, сиёсий жиноятчиликка қарши кураш борасида ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши бўйича тегишли ишларни амалга оширганлар. Прокурорлар бу даврда полиция органлари ва суд терговчилари

³ Бессарабов В.Г, Кашаев К.А.Защита Российской прокуратурой прав и свобод человека и гражданина.- М.Городец.-2007.-С. 332.

учун мажбурий бўлган йўриқномаларни ишлаб чиқиб, уларнинг қўланилиши бўйича фармойишлар чиқарганлар.

Совет ҳукумати прокуратурани давлат институти сифатида бекор қилгандан кейинги 5 йиллик тарихий тажриба қонунчилик устидан назорат қилишни амалга оширувчи мустақил орган - прокуратурани ташкил этиш зарурати ҳақидаги фикрга етаклаб келди.

Ҳар бир тармоқни бошқаришда ташкил этилган назорат қонунийликни таъминлаш учун етарли кафолатларни яратмас эди, чунки у идоравий ташкилот эди. Уезд ижроия қўмиталари ва вилоят ижроия қўмиталарини адлия бўлимларига юклатилган қонунчиликка риоя қилиниши устидан назорат ҳам унчалик даражада самарали эмас эди. Давлат олдида қонунларни аниқ ижро этилиши устидан назорат қилишни такомиллаштириш вазифаси пайдо бўлди, чунки шу кунгача амал қилган қонунийликни таъминлаш тизими ўзини оқламади, у қонунийлик учун олиб борилаётган мақсадли курашни таъминлай олмади. Қонунийликни амалга оширувчи марказий ҳокимият номидан ҳаракат қилувчи ягона услубга эга бўлган ва маҳаллий ҳокимиятга бўйсунмайдиган махсус ташкилотни ташкил этилиши зарурати пайдо бўлди.

Туркистон АССРнинг давлат прокуратураси ташкил қилиниши ҳақидаги декрет лойиҳаси устида ишлаш 1922 йил бошида авж олиб кетди. 1922 йил 9 майда Туркистон Республикаси Совнаркоми ва Марказий Ижроия қўмитаси 1922 йил 3 июнда қонуний кучга кирган Туркистон АССРнинг давлат прокуратураси ҳақидаги Низомни тасдиқладилар. 1922 йилнинг июнь ойида Туркистон АССРда прокуратура ҳам марказда ҳам жойларда ташкил этилди⁴.

1922 йил 28 майда ВЦИК қарори билан «Прокурор назорати тўғрисида»ги Низом тасдиқланган бўлиб, унда прокуратура органларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг асосий принциплари ўз ифодасини топди. Унда прокуратура органининг ягона ва марказлашганлиги, қуйи

⁴ Махбубов М. Ўзбекистонда прокуратура органларини ташкил этилиши ва ривожланиши. ю.ф. д. илмий унвонини олиш учун ёзилган дисс.-Т.1993..Б.16

прокурорларнинг юқори турувчи прокурорларга қатъий бўйсунishi, маҳаллий таъсирдан мустақиллиги, кенг жамоатчилик учун ёрдамга прокуратура органлари таянч бўлиб хизмат қилиши каби принциплар ўз ифодасини топди.

«Прокурор назорати тўғрисида»ги Низом қонунларга қатъий риоя қилиш устидан назоратни амалга оширишда прокурорларнинг ваколати ва назорат предметини аниқлаб берган. Жумладан, улар:

-давлат номидан ҳокимият органларининг, хўжалик ташкилотлари, муассасалар, жамоат бирлашмалари ва жисмоний шахсларнинг, айбдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатиш орқали, бутун фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни амалга ошириши;

-суриштирув ва ОГПУ органлари фаолияти устидан бевосита кузатиши;

-судда айбловни қўллаб-қувватлаши;

-махкумларни қамокда сақлаш қоидаларига риоя қилинишини кузатиши лозим эди.

Шу билан биргаликда 1922 йилда адлия халқ комиссарлиги томонидан тасдиқланган вақтинчалик йўриқномага кўра, жойлардаги прокурорларга мунтазам равишда жиноятчиликка қарши кураш борасида ҳудудий идоралараро йиғилишларни ўтказиб туриш вазифаси юклатилди. Ҳудудий идоралараро йиғилишларда прокурор (раис), инқилобий трибунал раислари, ишчи-деҳқон инспекцияси бошлиқлари, Давлат сиёсий бошқармасининг жойлардаги бўлимлари раҳбарлари иштирок этган. Мазкур йиғилишларнинг мақсади, тегишли органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги кучларини бирлаштириш, бу соҳада тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш, ахлоқ-тузатиш, жиноят-қидирув, милиция органларининг фаолиятига тегишли масалаларни муҳокама қилишдан иборат бўлган⁵. Мазкур йиғилишлар XX асрнинг 30-йиллари ўрталаригача ўтказилган.

⁵Бессарабов В.Г, Кашаев К.А.Защита Российской прокуратурой прав и свобод человека и гражданина.- М.Городец.-2007.-С. 333.

Аммо 1933 ва 1955 йилдаги прокурор назорати бўйича Низомларда жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича ҳуқуқий нормалар ўрин олмади. Бу эса, ўз навбатида жиноятчиликка қарши кураш борасидаги давлат сиёсатининг кучсизланишига, жиноятчилик ҳолати бўйича ягона маълумотлар базасининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатди. Мазкур ҳолатни бартараф қилиш мақсадида ССРИ Бош прокурорининг 1962 йил 30 июндаги буйруғида жиноятчиликка қарши кураш борасида прокуратура, суд, ички ишлар органларининг тарқоқ ҳолда фаолият юритишини тугатиш, жиноятчилик ҳолатини мунтазам равишда биргаликда муҳокама қилиш, жиноятларни тўлиқ очиш ва маъмурий органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятидаги камчиликларни бартараф қилишга йўналтирилган мувофиқлаштириш фаолияти бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб қўйилди. Аммо прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича функциясининг қонуний асосларини белгилаш учун яна 17 йил керак бўлди. 1979 йил 30 ноябрда қабул қилинган “ССРИ прокуратураси тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши кураш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири эканлиги белгилаб қўйилди.

2. Жиноятчиликка қарши курашувчи идораларнинг қонунларни ижро этишларини назорат қилиш ва уларнинг қонунларни қўллашга доир фаолиятини мувофиқлаштириш

Мавжуд тарихий тажрибадан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида “жиноятчиликка қарши курашувчи идораларнинг қонунларни ижро этишларини назорат қилиш ва уларнинг қонунларни

кўллашга доир фаолиятини мувофиқлаштириш” прокуратура органларинг асосий фаолият йўналишларидан бири эканлигини белгиланиши мамлакатда жиноятчиликка қарши борасидаги давлат сиёсатни бир хилда самарали амалга оширилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаб берди.

Мамлакатимизда суд – ҳуқуқ тизимининг демократик асосларини янада чуқурлаштириш, миллий қонунчилик асосларини шакллантириш, хусусан олганда, жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда прокуратура органлари фаолиятини ҳозирги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиб, уни шу кун талабларига мувофиқлаштириш ва бунда шахс ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олиш прокуратура органлари фаолиятини ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқарди ва 2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилиниши муносабати билан жиноятчиликка қарши курашувчи идораларнинг қонунларни ижро этишларини назорат қилиш ва уларнинг қонунларни кўллашга доир фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича прокуратура органларининг тегишли фаолият йўналиши “тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш” деб номланди.

3. Жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш тушунчаси ва унинг аҳамияти

Жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш жиноятчиликка қарши кураш олиб боришни самарали ташкил қилишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Чунки бугунги кунда жаҳон мамлакатларида жиноятчиликнинг шакллари ва унга қарши кураш олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сони ошиб

бораётганлиги ҳаммамизга маълум. 2001 йилда 11 сентябрь воқеаларидан кейин АҚШда Ички хавфсизликни таъминлаш вазирлиги, Россия Федерациясида XX асрнинг 90-йилларида содир этилган қатор террористик ҳаракатлардан кейин Террорчиликка қарши кураш бўйича Миллий Қўмита ташкил этилганлиги фикримизга далил бўла олади.

2008 йилда мамлакатимизда одам савдосига қарши кураш бўйича бир қатор қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши натижасида ички ишлар органлари тизимида одам савдосига қарши кураш олиб боровчи махсус бўлинмалар ташкил этилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнида жиноятчиликка қарши кураш олиб боровчи мазкур органлар ўртасида эришилган энг илғор тажрибаларни оммалаштириш имконияти пайдо бўлади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиши натижасида мазкур салбий иллатга қарши кураш олиб бориш усуллари такомиллаштирилишига эришилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ўзининг моҳиятига кўра муайян ҳудуддаги қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади.

Ўз навбатида қонунийликни мустаҳкамлаш фаолиятини мувофиқлаштириш бир неча босқичларда амалга оширилади ва ҳар хил органлар томонидан ташкил қилинади. Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш бўйича барча давлат органлари ва жамоат бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг юқори поғонаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир ва республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди.

ХУЛОСА

Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолият ҳуқуқий самарадорлигини ошириш мақсадида “Жиноятчиликка қарши кураш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида”ги Низомни қабул қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Мазкур Низомнинг қабул қилиниши билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашишининг тамойиллари, асосий йўналишлари белгилаб берилиши, ана шу тамойилларга ва асосий йўналишларга риоя қилингани ҳолда, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирув ҳамда дастлабки терговни амалга оширувчи органларининг фаолияти мувофиқлаштирилиб, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва назорат органлари ҳамкорлиги йўлга қўйилиши, даврий ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорликдаги чора-тадбирлар дастурлари, аниқ йўналтирилган режалар тизими ишлаб чиқирилиши, уларнинг тўлиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлашга қаратилган мувофиқлаштирувчи кенгаш қабул қилган қарорлар ижросига жиддий эътибор берилиши таъминланади. Низомда ҳар олти ойда тезкор-қидирув ва излов ишларининг аҳволи, натижалари мувофиқлаштириш кенгашларида муҳокама қилиниб, фаолиятнинг самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, ижроси таъминланиши ўз аксини топиши лозим.

“Жиноятчиликка қарши кураш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида”ги Низом қоидаларида кўра, мувофиқлаштириш қонунчиликка риоя қилиш, масалаларни қўйишда, таклифлар киритишда, тавсиялар ҳамда тадбирлар ишлаб чиқишда мувофиқлаштирувчи кенгашнинг барча иштирокчиларини қарорлар, таклифлар ва ўтказиладиган тадбирлар ижросида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳар бир органнинг қонун берган имкон доирасидаги мустақиллиги

асосидагина амалга оширилиши белгиланиши лозим. Давлат сирлари, шунингдек, қонун йўли билан ошкора қўриқланадиган бошқа сирлар, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинликлари ҳимояси тўғрисидаги масалалар қараб чиқиладиганда, уларнинг амалда мавжуд қонунларга зид келмаслиги, албатта, ҳисобга олинади. Ҳамкорликда қабул қилинган қарорлар ижроси учун ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи раҳбари шахсан масъул, жавобгар ҳисобланиши лозим.

Шунингдек, Низомда бошқа талаблар ҳам қўйилиши керак. Улар сирасига, жумладан, мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятининг узлуксиз ва доимий равишда ўтказилиши, кенгашни жиноятчиликка қарши курашнинг энг муҳим, долзарб йўналишлари бўйича ўтказиш, ҳамкорликда ўтказиладиган махсус тадбирларнинг махфийлигини таъминлаш кафолатланган бўлиши, идоравий манфаатларни умумий манфаатга бўйсиндириш кабилар киради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

1. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11 –Т.: Ўзбекистон, 2003. -320 б.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005. –96 б.
3. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият. - Т.: Ўзбекистон, 2005. -48 б.
4. Каримов И.А.Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш-устувор вазифамиздир.Халқ сўзи, 2006 йил 8 декабрь

2.Норматив материаллар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2008, -40 б.
2. Защита прав человека и борьба с преступностью. Документы Совета Европы. -М.: 1998. -221б.
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. -Т.: Адолат, 2004. - 270 б.
4. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси. // Инсон ҳуқуқлари. -Т.: Адолат, 1998. -80 б.
5. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. // Инсон ҳуқуқлари. -Т.: Адолат, 1998. -80 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”. //Халқ сўзи. 2005. 8 авг.

3.Махсус адабиётлар

1. Алламуратов А.Т.Проблемы прокурорского надзора.Учебное пособие.ТГЮИ.2005.-С.229.
2. Ахмедшаева М.А. Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006.-331.Б.,
3. Давлетов А.Д. Прокурорский надзор.Учебник. Нукус. «Билим». 1999.-С.320.,
4. Додонов.В.Прокуратура зарубежных стран.:М.Юрлитинформ.2006.С.320
5. Исламов З.М.Общество. Государство. Право. Т.:Адолат 2001. -С.696.,
6. Исламов З.М Проблема власти: ее понимание, назначение, социальная ценность.Т.:ТГЮИ.2003.–С.245.,
7. Мадалиев О.М.Прокурор назорати муаммолари.Ўқув қўлланма.Т.2005.-Б.267.,